



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIOVIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

8 (58) 2023

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

8 (58)

2023

август

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 613.95:[618.29:618.398

МУДДАТИДА ЎТИБ ТУГИЛГАН БОЛАЛАР ОНАЛАРИ КАСАЛЛАНИШИНИ
ГИГИЕНИК ТАҲЛИЛИ

¹Эрматов Н. <https://orcid.org/0000-0002-9964-5962>

¹Сагдуллаева М. <https://orcid.org/0009-0001-0749-001X>

²Сагдуллаев И. <https://orcid.org/0009-0001-0749-001>

³Насридинов М.З. <https://orcid.org/0009-0007-5957-9861>

¹Тошкент тиббиёт академияси. Ўзбекистон, 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фароби кўчаси 2, тел: +99878 1507825, E-mail: info@tma.uz

²Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази 100194, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 3-мавзе, Янги шаҳар кўчаси, 9-уй тел: +998 (71) 224-02-63 <https://nefro.uz/>

³Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Фарғона ш. Янги Турон кўчаси 2-а уй. Тел: +998732455907 Email: info@fjsti.uz

✓ Резюме

Тадқиқотда муддатидан ўтиб туғилган болаларнинг оналари саломатлик ҳолатини гигиеник таҳлил қилишдан иборат, назорат остига олинган муддатида ўтиб туғилган болаларининг оналари саломатлик ҳолати ва касалланишни профилактик тиббий кўрик натижалари ҳамда мурोजаатлар бўйича касалликлар таҳлили Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 (1993) асосида амалга оширилди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, касалликларнинг йиллар кесимида таҳлилидан фарқли жиҳатдан қуйидаги натижалар олинган, оналар орасида темир таниқислик камқонлик касаллиги биринчи ўрини эгаллаган бўлиб, 90(27,7%)ни ташкил қилган бўлса, аллергия касалликлари 69(21,2%)ни, ҳомиладорлик токсикози 68(20,9%)ни, пиелонефрит касаллиги 45(13,8%)ни, қандли диабет касаллиги 6,5%ни ташкил қилган. Муддатида ўтиб туғилган болаларининг оналари орасида қайт қилинган касалликларни олдини борасида профилактик ишлар, яъни касалликни тўғри танихислаш, уларнинг соғлом овқатланиши, жисмоний тарбиялаш, чиниқтириш билан биргаликда тизимли даволаш ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Калит сўзлар: Муддат ўтиб туғилган болалар оналари, касалланиш ҳолати, олдини олиш, даволаш.

ГИГИЕНИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ МАТЕРИ ПЕРЕНОШЕННЫХ
ДЕТЕЙ

¹Эрматов Н. <https://orcid.org/0000-0002-9964-5962>

¹Сагдуллаева М. <https://orcid.org/0009-0001-0749-001X>

²Сагдуллаев И. <https://orcid.org/0009-0001-0749-001>

³Насридинов М.З. <https://orcid.org/0009-0007-5957-9861>

¹Ташкентская Медицинская Академия (ТМА) Узбекистан, 100109, Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2, тел: +99878 1507825, E-mail: info@tma.uz

²Республиканский научно-практический медицинский центр нефрологии и трансплантации почки 100194, г.Ташкент, Юнусабадский район, 3-й квартал, улица Янги Шахар, 9, Тел: +998 (71) 224-02-63 <https://nefro.uz/>

³Ферганский медицинский институт общественного здравоохранения, г.Фергана, ул. Новый Турон 2-дом. Телефон: +998732455907 Электронная почта: info@fjsti.uz

✓ **Резюме**

В основе данного исследования проведён гигиенический анализ состояния здоровья матерей, у которых родились перенесенные дети, было оценено состояние их здоровья, на основе анализа результатов проведённых у них с целью профилактики заболеваемости медицинских осмотров, а также на основании анализа заболеваний, выявленных у них при обращениях за медицинской помощью. Заболевания, выявленные у матерей, родивших перенесенных детей, были классифицированы на основании Международной классификации болезней МКБ-10 (1993). Как видно из полученных результатов анализа заболеваний среди матерей, имевших пролонгированную беременность, первое место занимала железодефицитная анемия, которая встречалась у 90 пациенток, аллергические заболевания были отмечены у 69(21,2%) пациенток, токсикоз беременных - у 68(20,9%), пиелонефрит - у 45(13,8%), сахарный диабет - у 6,5%. В целях профилактики развития у матерей, у которых была пролонгированная беременность, выявленных заболеваний, целесообразно наряду с одновременным проведением среди них таких профилактических мероприятий, как правильная диагностика заболеваний, организация их правильного питания, занятия и обучение их физической культуре, также проведение системной лечебной работы.

Ключевые слова. Матери, родившие перенесенных детей; состояние заболеваемости; профилактика; лечение

HYGIENIC ANALYSIS OF MORBIDITY OF THE MOTHER OF TRANSFERRED CHILDREN

¹Ermatorov N. <https://orcid.org/0000-0002-9964-5962>

¹Sagdullayeva M. <https://orcid.org/0009-0001-0749-001X>

²Sagdullaev I. <https://orcid.org/0009-0001-0749-001>

³Nasridinov M.Z. <https://orcid.org/0009-0007-5957-9861>

¹Tashkent Medical Academy 100109, Tashkent, Uzbekistan Farabi Street 2. Tel: +99878 1507825; E-mail: info@tma.uz

²Republika Scientific and Practical Medical Center of Nephrology and Kidney Transplantation 100194, Tashkent City, Yunusabad District, District 3, Yangi Shahar Street, 9, Tel: +998 (71) 224-02-63 <https://nefro.uz/>

³Fergana Medical Institute of Public Health, Fergana, st. New Turon 2-house. Phone: +998732455907 Email: info@fjsti.uz

✓ **Resume**

At the heart of this study, a hygienic analysis of the health status of mothers who had transferred children was carried out, their health status was assessed, based on the analysis of the results of medical examinations conducted in order to prevent morbidity, as well as on the basis of an analysis of diseases detected in them when seeking medical help. The diseases detected in mothers who gave birth to transferred children were classified on the basis of the International Classification of Diseases ICD-10 (1993). As can be seen from the results of the analysis of diseases among mothers who had prolonged pregnancy, the first place was occupied by iron deficiency anemia, which occurred in 90 patients, allergic diseases were noted in 69 (21.2%) patients, toxicosis of pregnant women - in 68 (20.9%), pyelonephritis - in 45 (13.8%), diabetes mellitus - at 6.5%. In order to prevent the development of detected diseases in mothers who have had a prolonged pregnancy, it is advisable, along with the simultaneous implementation of such preventive measures among them as the correct diagnosis of diseases, the organization of their proper nutrition, classes and training of their physical culture, as well as systematic therapeutic work.

Keywords. Mothers who gave birth to transferred children; the state of morbidity; prevention; treatment

Долзарблги

Мамлакатимизда туғилаётган болаларнинг саломатлик ҳолати, унга таъсир қилувчи омиллари, уларнинг бартараф этиш ва назорат қилиш бугунги кунда тиббиёт ходимлари, профилактик тиббиёт соҳасидаги мутахассислар билан биргаликда, тиббиёт генетиклари, акушер-гениколог, гематолог, эндокринолог ва педиатрлар олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Фертил ёшдаги онанинг саломатлик ҳолати, ҳомила ва кейинчалик янги туғилган чақолоқ саломатлигини интервал баҳолавчи белгилардан биридир. Янги туғилган чақолоқлар ва уларнинг оналарининг саломатлик ҳолатини ҳимоялаш ва касалланиш даражасини камайтириш дунёнинг барча ривожланган давлатлари учун устувор ҳисобланади [1,2, 3,7,12,15,16].

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, янги туғилган чақолоқларда учрайдиган патологик ҳолатларда тўғри мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш каби вазифалар белгиланган [17].

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида уларнинг саломатлик ҳолатини ҳимоялаш борасида қатор дастурлар амалга оширилишига қарамасдан, ҳомиладорлар ва уларнинг ҳомиласининг турли касалликлар билан касалланиш натижасида юзага келадиган камқонлик, йод танқислик ҳолати, буйрак касалликлари, нефропатиялар, ўсиш ва ривожланишдан орқада қолиш каби ҳолатлар болалар ва ўсмирлар орасида даврий равишда қайт қилмоқда ва бу борада қатор илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда [1,2,3,4,5,6,7,10,13,15]. Бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири муддатида ўтиб туғилган болалар саломатлик ҳолатини мустаҳкамлаш ва гормоник ривожланишини таъминлаш билан биргаликда болалар ва оналар ўлимини олдини олиш ва касалланиш асоратларни камайтиришдан иборат.

Муддатидан ўтиб туғилган болаларнинг саломатлик ҳолати гестация муддатлари, ҳомила олди сувидаги мекониянинг мавжудлиги, сувининг камлиги, туғруқни ҳал этиш усуллари ва туғруқ жараёнидаги асоратларга боғлиқдир.

Муддатидан ўтиб туғилган чақолоқларда кичик аномалиялар (15,4%)ни улардан, киндик халқасининг чурраси – 3%, уруғдон қобиғи истискоси – 2,6%, гипоспадия – 2%, оёқ қафти деформацияси – 2%, ривожланишдаги нуқсонлар 3,1%ни ташкил қилиши билан биргаликда уларнинг ҳаёт сифатига таъсири қилувчи омилларнинг нисбатини баҳолаш ва олдини олиш асосий масаллардан биридир [3,9,10,11,17,18].

Муддатида ўтиб туғилган болаларнинг оналари саломатлик ҳолатини яхшилаш турли касалликлар асоратларини олдини олиш, ҳомиладорлик токсикозларнинг асоратларини камайтириш, буйракдаги ўзгаришлар ва тос суяги асоратларини олдини олиш уларнинг даврий физиологик жараёнларни таъминлаш борасида соғлом турмуш тарзини амалга ошириш ва уни мониторингини амалга ошириш бугунги кундаги тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Тадқиқотнинг мақсади: Муддатида ўтиб туғилган болалар оналари касалланиши ва унинг болалар саломатлик ҳолатига таъсирини гигиеник таҳлил қилишдан иборат.

Материал ва усуллар

Назорат остига олинган муддатида ўтиб туғилган болаларнинг оналари саломатлик ҳолати ва туруғхонага келган ҳолда уларнинг туғруқ хариталари ва унда қайт қилинган касалликларнинг таҳлили ва ушбу ҳолатларнинг болалар саломатлик ҳолатига таъсирини туғруқ давомидаги сўраб суриштириш ва ҳомиладорлик давридаги рўйхатга олиш ва профилактик тиббий кўрик натижалари асосида амалга оширилди ва олинган натижалар Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 (1993) [7] асосида таҳлил амалга оширилди.

Биз таҳлилларимизни 2016 ва 2020 йиллар давомида рўйхатга олинган болаларнинг оналарида қайт қилинган касалликларни таҳлил қилиш орқали амалга оширдик.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили «Pentium-IV» процессори асосидаги шахсий компьютернинг амалий дастурий пакети Excel ёрдамида анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида ўтказилди.

Натижа ва таҳлиллар

Олдимизга қўйилган мақсад ва вазифаларнинг илмий асосланган ечимини топиш мақсадида биз Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 2016 ва 2020 йиллар давомида муддатида ўтиб туғилган болаларнинг оналари ва болаларнинг саломатлик ҳолати, яъни касалланиш даражасини таҳлил қилган ҳолда хулоса қилиш ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қарор қилдик.

Биз тадқиқотимиз давомида 2016-2021 йилларда Республикамизда ва Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қайт қилинган туғилишлар кўрсаткичи 1 жадвалда келтирдик.

1-жадвал

Худудлар бўйича йиллар давомида туғилганлар чақалоқлар сони, stat.uz

Худудлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси	726170	715519	768520	814960	841817	905211
Тошкент шаҳри	43879	43150	45548	50285	54401	63034
Тошкент вилояти	57190	54794	59300	64086	65954	72659


1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Республикамизда туғилиш кўрсаткичи 2016 йилда 726 170 нафарни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткичи 2020 йилда эса 905 211 нафарни ташкил қилиб, 4 йилда 24%га туғилиш кўрсаткичи ошганлиги кўриниб турибди. Тошкент шаҳрида ушбу кўрсаткичи 43,6%га, Тошкент вилоятида эса ушбу кўрсаткич 27,0%га ортганлиги келтирилган маълумотлардан кўриниб турибди. Бунда кўриниб турибдики, йил сайин нафақат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида балким, республикамизнинг барча вилоятларида аҳолини фертил ёшидаги аҳолисининг сонига нисбатан, барча худудларда туғилиш кўрсаткичи кун сайин ориб бормоқда. Энг асосийсиси йилига мамлакатмизда қарайиб бир миллионга яқин, тўғриси 900 мингда ортиқ чақалоқлар туғилмоқда. Бу яхши натижа, уларнинг саломатлик ҳолатини ҳимоялаш билан биргаликда оналар саломатлик ҳолати ҳимоялаш оналар ва болалар ўлим кўрсаткични камайитириш нафақат тиббиёт ходимлари, балким барча соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Муддатидан ўтиб туғилган болаларнинг оналарида учрайдиган турли касалликлар, яъни камқонлик йод етишмовчилик ҳолати ва буйракдаги нуксонлари ва уларнинг асоратларини олдини олиш, уларнинг саломатлик ҳолатини физиологик ёшга мос ҳолатда таъминлаш бугунги кундаги долзарб муаммолар билан биргаликда тиббиёт ходимларнинг асосий вазифаларидан биридир.

Ушбу ҳолатда аҳолининг кўпайиши албатта инсонлар умр кўриш давомийлиги ва уларнинг саломатлик ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишни тақоза қилади.

Муддатидан ўтиб туғилган болаларнинг оналари касалланиш ҳолатининг натижалари 1-расмда келтирилган.

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб, турибдики, оналар орасида энг кўп тарқалган касалликлари 2016 йилда ҳомиладорлик токсикози 19 (27,9%) ни, темир танқислик камқонлик касаллигини 17 (25,0%) ни, аллергия касалликлар 14 (20,6%)ни, пиелонефрит 12 (17,6%) ни, қандли диабет 3 (4,4%) ни ташкил қилган бўлса, энг асосий кўп учрайдиган ҳолат ҳомиладорлик токсикози ҳисобланади. Шу билан биргаликда ҳомиладорларда учрайдиган темир танқислик камқонлик касаллиги қайт қилинган ва бу даврий учрайдиган касалликлар каторига киритилган.



Темир танқислик камқонлик касаллиги кейинчалик ҳомиладорлардан туғиладиган болалар ва ҳомиланинг турли нуқсонлари билан биргаликда муддатида ўтиб туғилган болаларда ақлий ва жисмоний ривожланишининг нуқсонлари юзга келишига асос бўлади ва турли нуқсонларнинг ривожланишига шароит яратади.

Темир танқислик камқонлик касаллиги кейинчалик ҳомиладорлардан туғиладиган болалар ва ҳомиланинг турли нуқсонлари билан биргаликда муддатида ўтиб туғилган болаларда ақлий ва жисмоний ривожланишининг нуқсонлари юзга келишига асос бўлади ва турли нуқсонларнинг ривожланишига шароит яратади.

Таҳлилларимизда натижасидаги маълумотларда 2017 йилда бошқа ҳолат яъни темир танқислик камқонлик касаллиги 19 (33,9%) ни, ҳомиладорлик токсикози 13 (23,2%) ни, пиелонефрит 9 (16,1%)ни, аллергия касалликлари 6 (10,7%) ни, қандли диабет 5 (8,9%) ни ташкил қилган.

Қандли диабет касаллиги билан хасталанган аёллар 8,9%ни ташкил қилиш бу юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб, бугунги кунда кун сайин ортиб бормоқда. Бироқ ҳудудлар кесимида аниқланса, бу ҳолат бундан ҳам юқори кўрсаткичларни қайт қилиши мумкин, бироқ уларда муддатдан ўтиб туғилганларга нисбатан ушбу нисбат аниқланган. Айтишимиз жоизки, ушбу оналардан туғилган болаларда қандли диабетнинг асоратлари қайт қилишини сир эмас.

2018 йилда эса биринчи ўрнини камқонлик касаллиги эгаллаган бўлса 25 (34,7%) ни, аллергия 22 (30,6%) ни, кейинги ўринни ҳомиладорлик токсикози эгалланган, ундан кейинги ўрнларни пиелонефрит ва қандли диабет касаллиги ташкил қилган.

2018 йилда қайт қилинган касалликлар орасида аллергия касалликлар иккинчи ўрини эгалланган бўлсада, озиқ-овқат ва маиший воситалар ёрдамида юзага келадиган аллергия ҳолатлар билан биргаликда атроф-муҳит омилларнинг ифлосланиш натижасида юзага келадиган аллергия касалликлар даражаси кескин ортиб бориши қайт қилинган, бу эса болалар орасида юзага келадиган асоратлар нисбати ошишига шароит яратади. Бу борада қатор профилактик ишларни амалга ошириш зарур.

2019 йилда энг кўп қайт қилинган касаллик сифатида камқонлик, аллергия ва ҳомиладорлик токсикози, пиелонефрит, преэклампсия ошган бўлса, 2020 йилда ҳомиладорлик токсикози, аллергия ҳолатлар, камқонлик ва перэклампсия ва қандли диабет ошганлигини инобатга олишимиз керак.

2020 йилда COVID-19 қайт қилиниш ва ҳомиладорликда турли асоратлар қайт қилиниш умумий ҳисоботга киритилмаганлиги ёки унинг асоратлари ошганлигини унутмаслигимиз керак.

Хулоса

Олинган натижаларнинг гигиеник таҳлиладан кўриниб турибдики, оналар орасида қайт қилинган темир танқислик камқонлик касаллиги, ҳомиладорлик токсикози, аллергия касалликлари, пиелонефрит, қандли диабет касаллигини олдини олиш борасида қатор профилактик ишларни даврий амалга ошириш ва оналар орасида ҳомиладорлик даврида оилавий поликлиникалардаги

аёллар маслаҳати хоналарига даврий қатновларни амалга ошириш энг камида етти марта ва оналардаги касалликларни тўғри ташхислаш, уларнинг соғлом овқатланиш тартиби, кунлик жисмоний дақиқаларни даврий шакллантириш, чиниқтириш воситаларидан фойдаланиш, турли юкумли касалликларни олдини олиш қаратилган тадбирларни режа асосида амалга ошириш шароитини яратиш билан биргаликда тизимли даволаш тартибини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулхаков И. У. и др. Эндокрин тизими касалликларининг ҳудудий тартиби билан боғлиқ бўлган ижтимоий-гигиеник таҳлили. 2022.
2. Абдулхаков И.У., Эрматов Н.Ж. Глюкозага толерантликнинг бузилиши билан касалланган беморларнинг кунлик овқатланиш рационини нутриентив таркибини гигиеник баҳолаш //Биология и интегративная медицина. 2021;5(52):90-113.
3. Азбукина Л.Н. Отдаленные результаты физического и психомоторного развития перенесенных новорожденных и детей //Представлены материалы врачей различных специальностей Приднестровской Молдавской республики, Молдовы, Украины, России и сотрудников медицинского факультета Приднестровского государственного университета. Рассмотрены актуальные вопросы хирургии. 2020;56-58.
4. Бозарипов С.Ж. и др. Новый способ моделирования хронической почечной недостаточности на фоне диабетической нефропатии //European research: innovation in science, education and technology. 2018;120-122.
5. Бозарипов С.Ж. и др. Патологические преобразования в эндотелиальной системе при нефропатиях различного генеза //European research: innovation in science, education and technology. 2018;122-125.
6. Касалликларнинг халқаро таснифи Х-кўриб чиқилган. ЖССТ, 1993.
7. Муминов Ш.К., Эрматов Н.Ж. Особенности метаболизма у больных ИБС в аспекте контраст-индуцированной нефропатии //European research: innovation in science, education and technology. 2018;60-62.
8. Рустамов Б.Б., Эрматов Н.Ж. Пищевая ценность красного пальмового масла // Медицинские новости. 2016;12(267):65-67.
9. Сагдуллаева М., Эрматов Н., Бобомуратов Т. Муддатида ўтиб туғилган болалар касаллигини гигиеник таҳлили. 2022.
10. Сагдуллаева М., Эрматов Н., Бобомуратов Т. Муддатида ўтиб туғилган болалар оналари орасида касаллигининг гигиеник таҳлили: Дис. 2022.
11. Сагдуллаева М., Эрматов Н., Бобомуратов Т. Муддатида ўтиб туғилган болалар оналари орасида касаллигининг гигиеник таҳлили : Дис. 2022
12. Ташкенбаева У.А., Эрматов Н.Ж., Абдужаббаров Т.К. Патогенетические механизмы развития хронической крапивницы. /М. 2020.
13. Хабибов Ш.А., Эрматов Н.Ж. Қон айланиш тизимида касалланган беморлар орасида бошқа касалликларнинг тарқалишини гигиеник таҳлили // Студенческий вестник Учредители: Общество с ограниченной ответственностью "Интернаука" Тематическое направление: Other social sciences. 2020;28-29.
14. Эрматов Н.Ж. Физическое воспитание как фактор снижения заболеваемости детей и подростков // Вестник Новосибирского государственного университета. Серия: Биология, клиническая медицина. 2011;9(2):222-226.
15. Шматова Ю.Е. Здоровая мама–здоровые дети // Россия: тенденции и перспективы развития. 2022;17(1):1002-1007.
16. Шокирова Ш.А., Улмасова С.А., Шовхиддинова А.Ш. Связь амниотического индекса с риском развития дистресса плода при неосложненных беременностях на сроках более 40 недель // Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). 2022;2(Special Issue 3):68-70.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
18. Ermatov N.J., Bobomuratov T.A., Sagdullaeva M.A. Prolonged newborns and prolong pregnancy: A modern view on the problem // International Journal of Health and Medical Sciences. 2022;5(1):26-30.
19. Smithers L.G., Searle A.K., Chittleborough C.R., Scheil W., Brinkman S.A., Lynch J.W. A whole-of-population study of term and post-term gestational age at birth and children's development. // BJOG. 2015 Sep;122(10):1303-11.

Қабул қилинган сана 20.07.2023